



Еттинчи фасл. Омилу кози ва раис холлари ва сиёсат шартлари хакида

Подшоҳ ҳар бир шаҳарда ким ҳоким эканини, дин ишларига улар қандай муносабатда бўлаётганларини, Аллоҳ таолодан кўркишларини, гаразғўй эмасликларини билиши керак. Ҳокимга бу шаҳар ва ноҳиянинг тинчлиги унга топширилганлигини айтиш лозим. Худойи таоло биздан нимани сўраса, у дунёда биз ҳам сендан шуни сўраймиз. Сен омилу кози, шаҳнаю мухтасиб, раиятнинг каттаю кичиги ахволини билиб олиб, ҳақиқатни очик ё яширин бизга маълум қиласан. Биз эсауларга нимани раво кўрсак, шуни буюрамиз. Ким шундай сифатларга эга бўлиб, шу сўзларни қабул қилмаса, уни бўшатиб, бошқа амал бериш ман этилади, деб таъкидлаши зарур.

Хикоят

Айтадиларки, Абдуллоҳ ибн Тохир деган бир одил амир ўтган экан. Унинг қабри Нишопурда бўлиб, биз уни кўриб, зиёрат қилганмиз. Одамлар ҳам келиб зиёрат қиладилар. Ва хожатмандларга Худойи азза ва жалла ёрдам хилар ва амир, порсолару зоҳидларга, дунё молига хожатлари бўлмаган гаразсиз кишиларга амаллар берар экан.

Шунда улар ҳақ йўли билан бойлик топиб, раият ҳам ранжу азобларга гирифтор бўлмас экан.

Хикоят

Шу маънода Буали Даккок, бир куни Хуросон ҳокими ва лашкарбошиси бўлган Абу Али Илёс ҳузурига келади. Абу Али латиф ва фозил киши эди. Буали Даккок унинг олдида тиз чўкади. Абу Али дейди:

- Менга маслаҳат бер.
- Ё амир, бир нарсани сўрайман. Жавобини тўғри берасанми?
- Бераман.
- Менга айт-чи, зарни яхши кўрасанми ёки ракибни?
- Зарни.
- Унда буниси кандок бўлди, яхши кўрган нарсангни шу ерда қолдириб, нариги дунёга яхши кўрмаганларингни олиб кетасанми?

Абу Али Илёс кўзларини ёшга тўлдириб дейди:

- Менга жуда яхши панд-насихат бердинг. Бунинг фойдаси - мени гафлат уйқусидан уйғотганинг бўлди.

Хикоят

Хикоя қиладиларки, Султон Махмуд Ғозийнинг киёфаси хунук, юзи тортилган, бўйни озгину узун, бурни чўзик ва ўзи кўса экан. Доим май истеъмол қилишидан юзи сарик экан. Отаси Сабуктегин оламдан ўтгандан кейин, подшоҳлик тахтига ўтиргач, Хиндистон унинг қўл остида қолади. Бир куни у эрталаб ўз махсус хужрасида намоз ўқиш учун ўтирарди. Олдига ойна ва тарок қўйилган, бир қул ҳам хизматида ҳозир эди. Вазири Шамс ул-Кифот Аҳмад Ҳасан хужра эшигидан кириб, салом беради. Шох боши билан ўтиришга ишорат қилади. У Мах-муднинг ёнига ўтиради. Махмуд намоз ўқиб бўлгач, жомаси, қулохи ва этигини қияди. Ойнага қараб ўз юзини қўриб, табассум қилиб дейди:

- Биласанми, дилимдан нима ўтди?

Вазири жавоб беради:

- Шохим яхшироқ билади.
- Одамлар мени ёмон кўради, деб кўркаман, чунки чиройли эмасман. Одамлар одатда гўзал юзли шохларни яхши кўради. Энди мен нима қилишим керак?
- Олтинни душман деб бил, шунда одамлар сени ўзларига дўст тутади.

Махмудга бу жавоб ёкиб тушади ва бу сўз тагида минг маъно бор, деб қўяди. Махмуд хайру саховат билан таом ейишга қўл уради ва одамлар уни яхши қўриб мактайдилар. Унга буюк ишлар ва ҳазиналар насиб қилади. Суманотга бориб, уни забт қилиб қайтади.

Самарканд, Ирокни хам кўл остига киритади. Бир куни Махмуд (Ахмад) Хасанга айтади: - Мен олтину кумушдан кўл тортдим-у, икки олам хам кўл остига ўтди. Дунё бойлигини ҳеч нарса деб билдим-у, икки жаҳонда азиз бўлдим.

Султон деган ном хали у пайтда йўқ эди. Ислоҳ оламида энг биринчи бўлиб Султон номини Махмуд ўзига олган экан. Шундан бу суннат бўлиб қолди. У Худони севувчи ва илмнинг дўсти, одил, жавонмард ва уйғок, покдин ва гозий шох эди.

Энг яхши ҳаёт одил подшоҳи бўлган замонда кечади. Хадисда шундай келтирилганки, Пайгамбар саллаллоҳи алайҳи васаллам айтган экан:

«Ал-адлу иззу-д-дини ва қуввату-с-султони ва фийҳи силоҳул-хосати ва-л-омати», яъни адолат дин иззати, султон қуввати, раият тотувлиги, ҳамма яхшиликларга тарозидир.

Чунончи, Аллоҳ таоло айтганки: «Ас-самой рафаъҳо ва вазаъал-мизона», яъни:

ҳақиқатан ҳам Аллоҳ Қуръонни нозил қилди ва унда мезон бор. Бошқа жойда буюрганки:

«Аллоҳул-лази наззала ал-китоба би-л-ҳаққи ва-л-мизона», яъни қалбидан адолат жой олган, уйи диндорлару ҳудожўйлар оромгоҳи бўлган подшоҳ энгхурматли подшоҳдир.

Шундай ривоят бор. Фозил ибн Аёз айтади:

«Агарда менинг дуойим мустаҷоб бўлса эди, факат одил султон бўлишини тилаб дуо қилардим, чунки унинг адли бандаларнинг силоҳи ва жаҳоннинг ободончилигидир.

Хадисда шундай дейилади: «Адолат билан кишилар арзини эшитадиган подшоҳларни Аллоҳ таоло азза ва жалла қиёмат куни марваридли минбарга қўтариб қўяди».

Подшоҳлар ҳамиша халқ адли ва маслаҳати учун сакланувчи, ҳудожўй ва гарази бўлмаган кишиларга амал берганлар, токи улар зарур вақтда тўғри иш олиб борсинлар.

Бағдодца амиралмўъминин Муътасим шундай иш олиб борарди. Бани Аббос халифаларидан Муътасимдан бошқа сиёсати зўр ва адолатли халифа ўтмаган. Унинг турклардан шунчалик қўп қуллари бор эдики, ҳеч қимда бунчалик бўлмаган.

Айтишларича, турк йигитларидан етмиш минглик қўшини бўлган ва қўп қулларни озод қилиб, амирлик мартабасига қўтарган экан. У ҳамиша, бирор-бир тоифа турклардан яхшироқ хизмат қилмайди, дегувчи эди.

Хикоят

Бир амир ўз вакилини олдига чақиртириб дейди:

- Бағдодда бозору шаҳар ахлидан менга беш юз динорча қарз бера олиши мумкин бўлган бирор кишини танийсанми? Муайян вақтдан кейин мен уни қайтариб бераман.

Вакил ўйлаб, танишларидан бир кишини эслайди, у бозорда савдо-сотик билан машғул бўлиб, унинг ўз тирикчилигидан қўлга қиритган халифалик тиллосида олти юз динор пули бор эди. У амирига айтади:

- Менинг бир ошнам бор, унинг фалон бозорда дўқони бўлиб, мен баъзан шу дўқонга бориб ўтираман, олди-сотди қиламан, олти юз динор тилло дастмоеси бор. Бирор кишини унинг олдига юбортириб, олдингга чақиртир-да, яхши жойга ўтқазиб, лутф қўрсатиб, ҳадялар бер ва зиёфатдан кейин у билан ўзинг гаплаш. Сендан уялиб, ҳашаматингдан йўқ дея олмаслиги мумкин.

Амир шундай қилади. Олдига одам юбортириб: «Сенда ишим бор, бир ҳадамранжида

килгин», - дейди. У киши амир саройига келади. Амирни танимаганлигидан эшиги олдига бориб салом беради. Амир алик олади-ю, надимлар ва хосларга хараб: «Бу фалон кишими?» - деб сўрайди.

- Ха, - деб жавоб беришади улар.

Амир уни ўрнидан туриб кутиб олиб, юхори жойга ўтказади. Сўнгра:

- Эй хожа, мен сенинг мардлигинг, очихкўл, ростгўй ва диёнатли эканлигинг хакида кўп эшитганман, бирор ишинг бўлса, нега журъат килиб айтмайсан ва биз билан дўстлашмайсан?

У амир нима деса, хаммасини маъкуллайверади. Амирнинг вакили ҳам бир неча марта шуни тасдиқлайди. Бир вақт дастурхон олиб келадилар. Амир ўз ёнидан унга жой бериб, хар замонда олдидан бирор нарсани олиб, дўкондор олдига кўйиб илтифот кўрсатади. Дастурхон йиғиштирилиб, кўллар ювилгач, бошқалар чикиб кетиб, факат хос хизматкорлар қолишади.

Амир у кишига қараб сўрайди:

- Сени нега чакирганимни биласанми?

- Йўк!

- Бу шаҳарда менинг ёру биродарларим кўп ва нима сўрасам, йўк демай берадилар.

Беш-ўн минг динор талаб қилсам ҳам йўк дейишмайди, чунки менинг қарз олишимдан уларга фойда кўп. Хали бирор кишига мендан зарар етмаган. Мен ўртамизда дўстлик, улфатчилик бўлишини орзу қилган эдим. Якин кишиларим қанчалик кўп бўлса ҳам, сен менга тўрт-беш ой муддатга минг диноргача қарз беришингни истардим. Озгина ишлатиб, бирор нарсани қўлга қиритмоқчиман. Билишимча, сенда шунча пул бор ва мендан уни қариг тутмайсан.

У киши ўзига қилинаётган илтифотлардан уялиб дейди:

- Буюринг, амир, лекин мен минг-икки минг динор пули бор дўкондорлардан эмасман.

Улуг зотларга тўгрисини айтиш керак, менинг сармоям олти юз динорлик. Мен бозорда қам нарсалар билан савдо қиламан ва қийинчилик билан қун қўраман.

Амир унга дейди:

- Ҳазинамда ҳисобга олинган олтин кўп, аммо ундан мен ололмайман, менинг бу муомаламда дўстликдан бошқа ниятим йўк. Бу майда савдодан сенга нима фойда? Ушбу олти юз динорни менга бер-у, етти юз динорга тилхат олиб, муддати қелганда уни мендан талаб қил.

Вақил ҳам уни қўллаб турарди:

- Сен хали амирни билмайсан, давлат қатталари ичида амирдан қўра қок муомалали киши йўк.

- Амир фармони қи бақараман. Қанча маблагим бўлса, қариг тутмайман.

У олтинларни амирга топширади ва амир унга тилхат ёзиб беради. Анча муддат ўтгач, у киши амир олдига қелади, сўрашгати қормай, амир мени қўрса, тиллалар учун қелганимни тушунар, деб ўйлайди. Икки ой шу тахлитда қориб-қелиш қилан ўтади. Амир у кишини ўн мартадан қўпроқ, қўрган бўлса ҳам, ўз тиллаларини олиш илинжида қатнаб юрганини ҳаёлига қелтирмайди. У амир ўзини қилмаётганга олаётганини сезиб, арзини ёзиб амирга беради: «Менга ўша пул қарак бўлаяпти, ваъда қилинган вақтдан эса икки ой ўтди. Қарур топсанг, вақилга ишора қилгинки, қодим менга тиллаларни қерсин».

Амир дейди:

- Сен ишимни эсан қикарган, деб ўйлаясанми? Қотирқам бўл. Озгина сабр қил, мен сенинг қарзингни ўйлаяман. Мухлат қер. Ишонқли киши орқали уйингга юбораман.

У киши яна икки ой сабр килади. Тиллаларидан дарак бўлмайди. Икки маротаба яна амир саройига бориб гап очади. Амир хам ўйин килиб, эрта-индин деб юраверади, хуллас, фойдаси бўлмайди. Карзни олиш муддатидан саккиз ой ўтади. Киши хайрон бўлиб қолади. Обрўли одамларни ўртага кўяди, кози ул-куззотта айтиб, шариат кукмини чикартиради, бўлмайди. Амир хакида айтмаган бирорта хам улуг ва катта инсон қолмайди. Кози олдига эллик маротаба одам юбориб, ишни шариат йўсинида олиб боришга ҳаракат килади, бўлмайди. Нимадемасинлар, қабул қилмайди. Шундай килиб, бир ярим-икки йил ўтади. У киши ожиз қолиб, юз динорини бўлса хам олишга рози бўлиб, фойдасидан хам воз кечади, барибир натижа қилмайди. Ҳамма меҳтарлардан умидини узиб, азза ва жалла Тангрига кўнгил беради. Ва фозил масжидига бориб, бир неча рақат намоз ўқиб, Худойи таолога нола килади:

- Ё раб, сен фарёдими эшит ва менга ҳақимни қайтар, бу ситам қилувчининг жазосини бер.

Масжидда ўтирган бир дарвеш унинг ноласини эшитиб қолиб, раҳми келади. Намоздан кейин унга дейди:

- Эй азиз, менга айт, сенга нима бўлдики, нола қилаяпсан.

- Шундай аҳвол юз бердики, уни Худонинг бандаларига айтишим бефойда ва сенга айтишимдан хам наф йўқ.

- Мендан фойда бўлмаса, зиён хам етмайди. Эшитганмисан, айтганларки, «Хар кимнинг бирор мушқули бўлса, ҳаммага айтиши керак. Одамлар унинг иложини билишлари мумкин». Агар аҳволингни менга аён қилсанг, сенга бирор фойдам тегиши мумкин. Мабодо нафим тегмайдиган бўлса хам аҳволинг ўзгармайди.

У киши ўйланиб қолади: «Тўғри гапираяпти, айтсам савоб бўлади».

У ўз мижаросини тўлик ҳикоя қилиб беради. Дарвеш эшитиб:

- Эй олижаноб одам, ана энди ранжу азобинг охирига етди. Айтганимни қилсанг, ўз тиллаларингни қайтариб оласан, - дейди.

- Нима қилай?

- Хозир туриб фалон маҳаллага бор, минорали масжид ёнида бир оддий қийинган тикувчини кўрасан. У тикувчилик қилади ва икки боласи хам бор. Дўконига бориб кўришиб ўтир ва аҳволингни унга айтиб бер. Мақсадга етсанг, мени дуо қиларсан, айтганимга истиҳола қилма.

У киши масжиддан чиқиб, ўзича ўйлайди: «Ажабо, ҳамма катталарни ўртага қўйдим, фойдаси бўлмади, энди бу қари ва ожиз дарвеш йўл кўрсатаяпти ва мақсадингга етасан, деяпти, ҳеч ишонмаяпман, аммо нима қилай? Бораман. Агар фойда бермаса, зиён хам қилмас».

У масжид олдига бориб, дўконни топади ва ўша мўйсафидга салом бериб, ҳузурига бориб ўтиради. Қария бир нима тикади. Бир соат машғул бўлиб, шу ишини битиргач, ўтирган қишидан сўрайди:

- Нимадан ранжидинг? Бирор ишинг ёки арзинг борми?

У киши аҳволи ва қиссасини аввалидан охиригача айтиб беради. Тикувчи бу аҳволни эшитиб, унга дейди:

- Бандаларнинг ишларини Худойи таоло азза ва жалла ўзи тўғри ҳал қилади. Бизнинг қўлимиздан факат айтиш келади. Биз хам сенинг рақибингга бир гапириб қўямиз, умид қиламанки, Худойи таоло мадади билан мақсадингга етасан. Бир оз дам олиб ўтир. Сўн у шогирдларидан бирига мурожаат қилади:

- Туриб фалон амирнинг саройига бор. Амирнинг шахсий хужрасини топиб, у ердан

кимки чикса ё кирса, фалон тикувчининг шогирди эшик олдида турибди ва тикувчидан шундай хабар келтирибди, деб ушбуни баён килгин:

«Бир киши сендан зулм кўриб, менинг хузуримга келди ва унинг етти юз динорга хужжати бор, муддатидан бир ярим йил ўтиб кетибди, шу кишининг тиллаларини кайтариб, уни хушнуд эт, кеч колмасдан жавобини беришингни истайман».

Бола тез туриб амир саройига боради. Халиги киши ажабланади: ахир, подшоҳ ҳам ўз фукароларига шундай фармон бермайди, вахоланки, у амир олдида бир ёш болани юборди... Бир замон бола кайтиб келиб, устозига дейди:

- Айтганингизни бажо келтирдим. Хабарни етказдим. Амир жойидан туриб:

- Саломимни устозга етказиб дегинки, жон деб миннатдор бўлиб, хозир ўзим олтинларни олиб бораман, ўша таксирдан ҳам узр сўрайман ва дархол тиллаларини бераман, дейди.

Бир соат ўтар-ўтмас амир жиловдор ва икки хизматкори билан етиб келади. Отдан тушиб салом бериб, қариянинг кўлини ўпиб ўтиради ва ҳамёнини хизматкоридан оларкан, дейди:

- Сен мени бу кишининг олтинларини тортиб олмокчи, деб ўйлама. Бу таксирга эътиборсизликка вакилларим сабабчи бўлган, - дея узр сўрар экан, хизматкорга: «Бор, бозордан нокид-пулшуносни олиб кел», - деб буюради.

Бориб бир нокидни олиб келадилар. Тиллани тортиб кўришади. Беш юз динор чиқади. Амир дейди:

- Бу беш юз динорни унга бер. Эртага саройдан кайтишимда уни чакириб, яна икки юз динор бе-раман ва кечирим сўраб, кўнглини оламан. Эртага пешин намози вақтигача сенинг олдингга келаман.

- Бу беш юз динорни унга топшир ва айтганингни қилиб, сўзингдан кайтма, - дейди қария.

- Шундай киламан, - деган жавоб бўлади.

У олтинни бериб, қариянинг кўлини яна ўпиб, кайтиб кетади.

Арзчи хурсандлигидан нима қилишини билмай, тарози ва тош талаб қилиб, юз динор олтинни тор-тиб, қария олдида кўяди.

- Мен юз динор камрок кайтариб олишга ҳам рози эдим, сенинг сўзларинг баракасидан менга етти юз динор тегди, бу юз динор сенинг харажат-ларинг хаки ва уни сенга тухфа киламан.

Қария бу гапни хуш кўрмай дейди:

- Менинг сўзим билан бир мусулмоннинг қалби дарду азобдан халос бўлганлигидан хурсандман. Агарда мен юз динордан бир донасини ўзимга халол билсам, сендан етти юзини тортиб олган ва ўша туркдан ҳам золимок бўламан. Тур, боракол. Агар эртага икки юз динор тилла сенга кайтарилмаса, менга маълум қилишинг керак. Бундан кейин ким билан қандай муомала қилишингни билиб ол!

Қанча зўрласа ҳам қария тиллаларни қабул қилмайди. Арзчи қария олдидан чиқиб кетиб, шу кеча хурсандлигидан яхши ухлайди. Эртасига уйда ўтирса, бир киши амир олдидан келиб:

- Амир бир лахза саройимга келсин, деб юборди, - дейди.

Борса Амир жойидан туриб кутиб олади ва юқорига ўтхазади. Ўз вакилларини кўп уришиб сўқади.

- Шулар айбдор, мен ҳамиша хизмат ишлари билан бўлиб, ҳақингни беришларини уларга минг марталаб айтганман.

Кейин биттасига дейди:

- Ҳазиначига айт, олтин солинган қоп ва тарози олиб келиб, икки юз халифа динорига

тенг тилла тортиб, менга берсин.

Олтинни дўкондорга ўлчаб берадилар. Хизматни бажариб, туриб кетмокчи бўлганида Амир озгина ўтиришини айтади.

Кайтиб ўтиради. Дастурхон олиб келадилар. Таом ейилиб, кўллар ювилгач, Амир хизматкор ходим кулогига бир нима дейди. Ходим чикиб, дархол бир сарпо олиб келади. Кийгизинг, дейди амир.

Бир кимматбахо тўн ҳады хилиб, хасабдан бир салла ҳам берадилар.

Сўнг амир сўрайди:

- Мендан рози бўлиб, хурсанд бўлдингми?

- Ҳа.

- Тилхатни бер ва шу бугун ҳария олдиға бориб, ўз ҳахингни олиб, мендан хурсанд бўлганингни айт.

- Буни ўзи ҳам айтган эди, шундай киламан, - деб жавоб беради.

Туриб амир саройидан чиhib, ўша тикувчи ҳария олдиға бориб, бўлган гапларни сўзлаб беради. «Мен бунинг ҳаммасини сенинг сўзларинг таъсиридан деб биламан, энди мана шу икки юз динорни мендан қабул қилгин», деб ялиниб-ёлворса ҳам қўнмайди. Туриб хурсанд бўлиб, дўконға келиб, эртасиға бир қўй ва бир нечта товуҳ қўштини ҳовуриб, бир товоқда ҳолва ва қулча олиб тикувчининг олдиға олиб боради:

- Эй шайх, олтинни қабул қилмасанг ҳам, менинг ҳалол меҳнатим мевази бўлган бу егулик нарсаларни қабул эт, мени хурсанд қил.

Қария жавоб беради:

- Қабул қилдим. - Қўл қўзиб, таомлардан еб, шогирдларига ҳам беради.

Кейин дўкондор сўрайди:

- Менда ҳам бир ҳожат бор, ижозат берсанг, айтаман.

- Гапир.

- Ҳамма вазирлар ва амалдорлар менинг ишим юзасидан амирга гапиргандилар, лекин ҳеч фойдаси бўлмади. Бирор кишининг сўзиға қулоқ солмади, қози ул-қуззот ҳам бу масалани ечишға ожизлик қилди. Нима сабаб бўлдики, у сенинг сўзингни қабул қилди ва нима десанг, вақтида бажо қелтириб, қулимни қайтариб берди? Унинг олдида шунчалик ҳурмат ва ҳашаматға эғалигинг боиси нимада эканлигини билмокчим эдим.

- Амир билан менинг аҳволимдан ҳабаринг йўқми?

- Йўқ, - жавоб беради дўкондор.

- Бўлмасам, қулоқ сол, - дея қария ҳикоясини бошлайди.

Хикоят

Ўттиз йилдирки, мен шу масжид минорасидан азон айтаман. Қасбим тикувчиликдир. Ҳарғиз май ичмаганман, зино ҳам қилган эмасман, нолойик ишларға қўл урганим йўқ. Шу қўчада бир амирнинг саройи бор. Қулардан бир қуни шом намозини ўқидим-у, масжиддан ташқарига чикиб, дўконға бормокчи бўлиб турганимда амирни қўриб қолдим, у маст-аласт қеларди ва бир ёш жувоннинг паранжисига қўл уриб, зўрлик билан ўзиға тортарди.

Аёл: «Эй мусулмонлар, ёрдам беринг, мен пок бир аёлман, фалон кишининг кизиман. Уйим фалон махаллада, хамма менинг канакалигимни билади. Бу турк эса такаббурлиги билан мени олиб бориб расво килмокчи, эрим хам уч талок килишга онт ичганки, агарда бирор кеча уйда ётмасам, талок килади, энди хам жаннатдан, хам эрдан курук колдим», - дея йиглаб фарёд чекарди. Аммо ҳеч киши унинг додига кулок солмасди, чунки бу амир дабдабали ва кайсар эди. Беш минглик суворий кўшини борлиги боис ҳеч ким унга тенг келолмасди. Мен ўртага тушдим, фойда килмади. У аёлни саройига олиб кетди. Мен афсусландим, хамиятим кўймади, сабр килолмадим. Бир қария, бир оксоскол ва бир неча кишини олиб амир саройига бордик ва тўполон кўтариб дедик:

- Бағдод шахрида, халифа пойтахтида бир аёлни кибру зўравонлик билан йўлдан уриб, уйга олиб бориб расво иш килиш мусулмончиликдан эмас. Бу аёлни сог-саломат кўйиб юборинглар, акс холда амир Муътасим саройига бориб шикоят киламиз!

Амир бизнинг овозимизни эшитиб, кўлига бир таёк олиб, бир кишининг бошини, иккинчи кишининг оёғини уриб синдирди. Бунни кўриб хаммамиз кочиб кетдик. Шом намози вақти бўлди, намоз ўқидик. Бир вақт кўрпага кириб ухламокчи бўлдик. Бу ишлардан хосил бўлган нафрат ва азобдан уйкум келмади. Тун ярмидан ўтди. Мен шундай фикр ва хаёлда эдим: агарда бу аёл шу кеча уйига бормаса, талок бўлади. Эшитишимча, май ичганлар маст бўлганда ухлайдилар, хушёр бўлганларидан кейин вақтни билмайдилар. Менинг тadbирим шу бўлиши мумкинки, минорага чиқиб азон айтишим керак. Агарда у турк эшитса, тонг отибди деб аёлдан кўл тортади ва уни саройидан чиқариб юборади. Унинг йўли, шубҳасиз, масжид олдидан ўтади. Тез минорадан тушиб, масжид олдида аёлни кутиб оламан. Уни уйига олиб бораман, токи бу бечора эрдан хам колмасин. Сўнг шундай килдим. Азон овозини амир Муътасим хам эшитибди. У уйгоҳ экан ва намоз вақти бўлди, деб ўйлабди. Ташқарига чиқиб қараса, хали вақт бор. Бир ходимга буюрибди:

- Бор эшикогага айт, миршаб бориб ярим тунда азон айтган муаззинни олиб келсин, унга каттик жазо берайки, факат вақтида азон айтадиган бўлсин.

Мен масжид олдида ўша аёлни кутиб турардим. Миршабни кўрдим, у машъал кўтариб келарди. Мендан сўради:

- Сен намозга азон айтдингми?

- Ҳа.

- Нега бунаканги бевақт ўқидинг, бу халифага ёкмади. Шу сабабдан сендан газабланиб, адабингни бермокчи. Сени олиб бориш учун мени юборди.

- Фармон халифаники, лекин бир беадаб мени шунчалик бевақт намозга чақиритим учун сабабчи бўлди.

- Ким у беадаб?

- Худо азза ва жалла хамда халифадан кўркмайдиган бир киши.

- Ким экан у Худо ва халифадан кўркмайдиган?

- Бу шундай гапки, уни ёлғиз амиргагина айтишим мумкин ва агар мен бунни қасддан килган бўлсам, нима жазо буюрсангизлар хам арзийди.

- Юр, қани саройга борайлик, - деди миршаб.

Халифа саройига етиб бордик, у кутиб турган миршабга вазиятни тушунтирди ва у саройга кириб, Муътасимга етказди. Мени чақиртириб, Муътасим олдида олиб бордилар.

У мендан сўради:

- Нега бевақт намозга чорладинг?

Мен маст турк ва ўша аёл киссасини бошидан охиригача сўзлаб бердим.

Муътасим эшитиб, миршабга буюрди:

- Эшикогага айт, юз аскар билан фалон амир саройига бориб, сени халифа чакираяпти, десин. Агар уни кўлга киритишса, у зўрлик билан олиб кетган аёлни ҳам бирга олиб келишсин. Бир мўйсафидни икки ходим билан шу аёлнинг уйига, эрининг хузу-рига юбор. Улар эрини чакириб: «Муътасим сенга салом йўллайди ва ўртага тушиб воситачилик килади, бу аёлга кафил бўлади. Аёлнинг ҳеч хандай гуноҳи йўк. Уни энди илгаригидан ҳам кўпроқ хурмат кил», - десинлар. Халиги амирни бўлса зудлик билан олдимга олиб келинглари, - деб буюраркан, менга:

- Бир оз шу ерда бўлиб тур, - деди.

Амирни бир соат ичида Муътасим олдида олиб келдилар. Муътасимнинг кўзлари унга тушгач, газабланиб гапира кетди:

- Эй фалон-писмадон, мусулмонлик динига менинг аҳамиятсиз бўлганимни биласанми? Ё мендан бирор зулм кўрдингми? Ёки менинг давримда ислом динига бирор халал бўлди-ми?! Йўк, Румда мусулмонлар асир тушганда, Багдоддан бориб Рум лашкарини мағлуб қилиб, Кайсарни қочириб юборган ва олти йил Рум шаҳрида юриб, шу амирларни халос қилиб олиб келган мен эмасмидим? Бугун адлу инсофимдан қўй билан бўри бир жойдан сув ичадилар. Сен қандай журъат қилиб Багдод шаҳрида ўзингга бино қўйиб, бир аёлни зўравонлик билан саройингга олиб, расво қиласан? Одамлар амри маъруф қилганда уларни ҳайдаб юборасан? Хозирок бир қоп олиб келиб, буни унга солиб, оғзини маҳкам боғланглари.

Шундай ҳам қилдилар. Сўнгра оғир ёғоч болга олиб келишларини буюрди.

- Энди бир киши бу ёнидан, бошқа киши нариги томонидан туриб шундай уринглари, майдаланиб кетсин.

Хар тарафдан ёғоч болгалар билан шундай зарбалар туширдиларки, суяклари қул ушқ бўлди.

- Тагин қандай буйруқ бўлади, - сўрашди Муътасимдан.

- Яна уринглари.

Кейин менга қараб деди:

- Эй шайх, билиб қўй, қимқи Худодан кўркмаси, мендан ҳам кўркмайди ва қимқи Худодан кўркмаси, нариги дунёда унга инъом бор. Бу қилмишига яраша жазо олади. Бундан кейин сенга буюраман:

- Бирор одам бошқа кишига ситам қилса, ё бирор инсонни ноҳақ ҳафа қилса, шариатга қарши иш тутса-ю, сенга маълум бўлса, мана шундай бевақт азон айтгин. Мен овозингни эшитиб, сен эканлигингни билиб, тез сени чақираман-у, аҳволни сўрайман. Ҳамма гуноҳкорларга шу итга берган жазони бераман. Хатто, менинг акам ё фарзандим бўлса ҳам!

Шундан кейин менга бир инъом берди. Бундан халифанинг хосу оmlари хабардор бўлдилар. Бу амир сенинг олтинларинг хурмати учун бундай қилмади, балки қоп ва ёғоч болга ҳавфидан кўрқди.

Шунга ўхшаган ҳикоялар кўп. Буни шунингучун ҳам ёзаяпманки, Худованди олам-султонимиз билиб қўйсинки, олдинги халифалар ва шохлар қўйни бўридан қандай сақлаганлар ва қўл остидагиларга қандай жазо бериб, бузгунчилардан қандай эҳтиёт бўлганлар ва мусулмон динини қандай қучли тарзда тутганлар.

Низомулмулкнинг

"Сиёсатнома" (Сияр ул-мулук) китобидан